O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси
TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 26 июль, чоршанба • №57 (11.242) • Эркин нархда сотилади

1991 9 2000 МУСТАҚИЛЛИК: ТЎҚҚИЗИНЧИ ДОВОН

# МУСТАҚИЛЛИК – ОЛИЙ НЕЪМАТ

## Уни кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир

***Мустақиллик бизга нима берди?.. Одатда бу саволга биз кўпроқ зиёлиларимиз, гапга чечан фуқароларимиздан жавоб олишга ҳаракат қиламиз. Аслида бу саволга ҳар бир юртдошимизнинг ўз жавоби бор. Фақатгина одамларнинг аксарияти унга содда ва жўн жавоб берадилар. Айримларининг айтмоқчи бўлган фикрлари эса дилида қолиб кетади.***

Яқинда маҳалладошим, ана шундай оддий замондошларимиздан бири — Исроил Усмонов билан бугунги кунимиз, ҳаётимиз ҳақида узоқ суҳбатлашиб қолдик. Табиатан камгап Исроил:

— Э, ака, аслида илгарироқ мустақил бўлсак бўларкан. Ҳаётимиз бунданда яхшиланиб кетармиди, — деди тўлқинланиб. — Қаранг, 9 йилда қанча нарсага эришдик. Уларнинг оддийси мен эришган ҳаёт бўлса керак. Юк машинаси сотиб олдим, эмин-эркин ишлаяпман, бола-чақам тинч, дастурхонимиз насибага яраша. Уйга ҳар куни қуруқ келмайман. Ҳар сафар шаҳарга чиққанимда, янги-янги қурилишларни кўриб қувониб кетаман, инсонга яна нима керак. Яқинда маҳалладошимиз Мухтор ака янги дўкон очибди, Камолжон ака сервис қурибди. Илгари бунга имконият қайда эди...

Дарҳақиқат, юртимиз фуқаролари мамлакатимизда рўй бераётган ҳар бир ўзгаришни, турли соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларни ҳақли равишда истиқлол билан боғламоқдалар. Ундан фахрланмоқдалар. Зеро, мустақиллик меваси, у берган эмин-эркинлик, имкониятлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда. Бугун улар бундан 9 йил бурунги одамлар эмас. Тафаккури ва ҳаётга муносабати тубдан ўзгарган инсонлар.

Шу йил 20 июль куни Ўртачирчиқ туманидаги Охунбобоев жамоа хўжалигининг маданият саройида вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мустақиллигимизнинг 9 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ҳар томонлама пухта ўтказишга ҳамда «Мустақиллик — олий неъмат» мавзуига бағишлаган йиғилишда беихтиёр ана шулар ҳақида ўйладим.

Вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳамидулла Асатов бошқарган бу йиғилишда шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг муовинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар оқсоқоллари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Асосий эътибор улуғ байрамимизга тайёргарлик кўриш билан биргаликда барчамиз учун қадрли бўлган мустақиллигимизни асраб-авайлашга қаратилди. Бу бежиз эмас эди. Зеро, истиқлолимизга раҳна солувчи омиллар ҳам йўқ эмас.

Йиғилишда маъруза қилган вилоят Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Шораҳим Расулов йиғилиш қатнашчиларининг асосий диққатини ана шу масалага тортди. Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз — бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликдир. Бу, айниқса, юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилаётган Тошкент вилоятида алоҳида аҳамиятга эга. Афсуски, мустақиллигимизни кўролмаётган айрим кучлар ана шу тинчлигимизга, барқарорлигимизга ҳамон раҳна солмоқчи бўлмоқдалар. Мамлакатимиз ташқарисида ва ичида ҳам мафкуравий хавф мавжуд. Ана шунинг учун ҳам, биз доимо хушёр ва огоҳ бўлмоғимиз, ҳамиша ўзимизни, ўзлигимизни ўзимиз асрашга тайёр турмоғимиз керак. Ички ишлар бошқармаси бошлиғи вилоятнинг барча ҳудудларида истиқлол байрамимизни тинч ва осойишта ўтиши учун барча чоралар кўрилаётганлигини таъкидлар экан, айни вақтда бундай кучларга қарши курашда барча фуқаролар, маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчиликни ҳамкорликка чақирди.

Шунингдек, йиғилишда бир қатор давлатлар билан чегарадош бўлган вилоят ҳудудида мамлакатимиз дахлсизлиги ва чегараларини қўриқлаш, бу жойлардаги одамлар тинчлигини сақлаш борасида ҳам қўшимча чора-тадбирлар кўрилаётганлиги, буни фуқароларимиз билиши зарурлиги таъкидланди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимининг масъул котиби Раҳматилла Шералиев ўз сўзида маънавий-маърифий тадбирларни кучайтириш, жойларда улуғ байрамга пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини таъкидлади. Энг муҳими бу улуғ айёмдан вилоятимиздаги бирон киши ҳам четда қолмаслиги керак, бу байрам ҳар бир хонадонга кириб бориши даркор. Тантаналар ўтказиладиган марказлар, шаҳар, туман марказлари шунга мос тарзда безатилмоғи зарур.

Йиғилишда Зангиота тумани ҳокимининг муовини Тўлқин Файзиев, Қибрай туманидаги Қибрай қўрғони фуқаролар йиғини оқсоқоли Бахтиёр Усмонов, Тошкент тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Рустам Исроилов ва бошқалар байрам тараддуди юзасидан ўз ҳудудларида олиб борилаётган ишлар ва режалар тўғрисида гапирдилар.

Ҳа, Ўзбекистон халқи ўзининг энг улуғ, энг азиз байрамига тайёргарлик кўрмоқда. 1 сентябрь биз учун нақадар тарихий кун эканлигини ҳамма юракдан ҳис этмоқда. Айни вақтда, шу кунги йиғилишда таъкидланганидек, зиммамизда ўз-ўзидан келмаган бу кунни — истиқлолимизни асрашдек муқаддас бурч турганлигини ҳам барча яхши билади. Биз юқорида суҳбатдош бўлганимиз — Исроил Усмонов ва шунга ўхшаш фидойи, бу куннинг қадрига етадиган юртдошларимиз бор экан, ҳали биз мамлакатимизни янада равнақ топтирамиз.

***Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.***



*СУРАТДА: байрам арафасида фойдаланишга топширилган «Андижонбанк» акциядорлик тижорат банкининг Чиноз бўлими биноси.*

**Абдужалил РАҲИМОВ олган сурат.**

# ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

***Шу йил 25 июль куни Паркент туманида мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуғ, энг азиз» мавзуидаги вилоят ижодкорларининг кўрик танловига якун ясалди.***

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимларининг ташаббуси билан ташкил этилган бу кўрик танлов вилоятда иккинчи бор ўтказилмоқда ва айтиш мумкинки анъанага айланди. Шуниси диққатга сазоворки, бу кўрик танлов иштирокчилари сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Унда вилоятимиздаги турли ёшдаги ижодкорлар ўзларининг асарлари ва ижодий ишлари билан фаол иштирок этмоқдалар. Ана шунинг учун ҳам танлов ғолибларини аниқлаш осон бўлмади.

Вилоят кўрик танлови ҳайъати, танловга келган ижодий ишларни чуқур ўрганиб бу сафар қуйидагиларни ғолиб деб топди:

**БИРИНЧИ МУКОФОТ** — туманни тасвирий безаш соҳасидаги ижоди учун Паркент туман «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари **Миртожи ЖАМОЛОВга** ҳамда туркум бадиий асарлари учун ёзувчи, Зангиота тумани «Истиқлол» газетаси муҳаррири **Абдусаттор ҲАТАМОВга** берилди.

**ИККИНЧИ ЎРИН** — «Мустақиллик одимлари» туркумидаги асарлар муаллифи Чиноз туманида яшаб ижод қилаётган мусаввир **Владимир КИМ** ва ватан, истиқлол, мустақиллик мавзуларидаги туркум мақолалари учун «Тошкент ҳақиқати» газетаси бўлим мудири **Шавкат ТУРОБга** берилди.

**УЧИНЧИ ЎРИН** — истиқлол йилларидаги ўзгаришларни юксак савияда фототасвирга туширган паркентлик сураткаш **Зиёвиддин ХОЛИҚОВ** ҳамда маънавий-маърифий тарғибот йўналишидаги ишлари учун «Маънавият маърифат» маркази Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи **Барно ИШПУЛАТОВАга** насиб этди.

Шунингдек, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Тошкент тумани бўлими раҳбари **Маҳбуба НАЗИРОВА**, паркентлик шоир **УСМОНБЕК**, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Оққўрғон тумани бўлими раҳбари **Собир МАКСИМОВ**, уюшманинг Юқоричирчиқ тумани бўлими раҳбари **Раҳматилла СМАНАЛИЕВ**, олмалиқлик рассом **Каромат БУРХОНОВА** ва Оҳангаронлик ҳунарманд **Мунира СОТВОЛДИЕВАнинг** ижодлари рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди.

Шу куни ижодий кўрик танловда фаол иштирок этган яна бир гуруҳ ижодкорларга танлов ҳайъатининг миннатдорчилик мактублари ҳам топширилди.

Ғолибларга мукофотларни вилоят кўрик танлови ҳайъати раиси — вилоят ҳокимининг муовини **Абдукарим Раҳимбердиев** топширди.

Кўрик танловнинг якуний босқичи йиғилишида Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси, «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири **Хуршид Дўстмуҳаммад** ҳамда Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари **Исфандиёр Латипов** сўзга чиқдилар.

***Танлов ғолибларини таҳририят номидан муборакбод этамиз.***

# СОҒЛОМ ОИЛА – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

***«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими жорий йилнинг «Соғлом авлод» йили деб эълон қилиниши муносабати билан, ўз дастурига асосан туманлардаги дала шийпонларида «Саломатлик – туман бойлик» тадбирини амалга оширмоқда.***

Яқинда у вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ибн Сино жамғармаси билан ҳамкорликда Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги дала шийпонида ана шу мавзудаги илмий-амалий семинарни ўтказди. Вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаеванинг кириш сўзи билан очилган мазкур тадбирда «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармаси бошқаруви раҳбари, Олий Мажлис қўмитаси раиси, педагогика фанлари доктори, профессор Ойниса Мусурмонова, тиббиёт фанлари доктори, профессор Матлуба Азимжонова, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Муҳамаджонова, вилоят ОИТС маркази бўлим бошлиғи Дилбар Зокирхўжаеваларнинг маърузалари тингланди. Аҳоли орасида ошқозон ичак касалликларининг олдини олиш, уларни даволашда халқ табобатидан кенг фойдаланиш, болаларни турли хасталикларга чалинтирмасликда оналар мавқеи ҳамда йирингли шамоллашлардан эҳтиёт бўлиш борасида суҳбатлар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Тадбир мобайнида далада ишловчи 200га яқин аёл тиббий кўрикдан ўтказилди, улар ультра товушли ташҳис хизматидан ва тажрибали гинекологлар маслаҳатидан баҳраманд бўлдилар. Шунингдек, боғча ёшидаги 120та бола шифокорлар назоратидан ўтди. Кам қонли ва экстрагенитал касалликлар олдини олиш бўйича тавсияномалар тарқатилди, мурувват ёрдами кўрсатилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси мазкур хайрли тадбирни бошқа шаҳар ва туманларда давом эттиришни режалаштирган.

***Убайдулла ХИКМАТОВ.***

# ОҲАНГАРОНДА ДАВРА СУҲБАТИ

Вилоят ҳокимлигининг Адлия бошқармаси Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Оҳангарон туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида «Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ижроси» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

Унда Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази бош мутахассиси, юридик фанлари номзоди, доцент Марат Ғуломов, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Камолиддин Қамбаров, шу бошқарма бўлими катта маслаҳатчиси Азим Пардаев маърузалар билан чиқдилар. Тадбирда иштирок этган туман тадбиркорлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, халқ таълими тизими мутахассислари, туман суди ва ҳокимлиги масъул ходимлари мазкур суҳбат мобайнида амалдаги қонунлар ҳақидаги билимларини бойитиш билан бирга, ўзларини қизиқтирган талай саволларга соҳа мутахассисларидан жавоблар олдилар.

***Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.***

# БОЙЛИК МЕҲНАТ БИЛАН ЯРАТИЛАДИ

## Бунинг учун айни вақтда шунга яраша ишлаш ва мамлакатимизда яратиб берилаётган имтиёзлардан фойдалана билиш ҳам керак

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярим йиллигида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланиб 21 июль куни бўлиб ўтган мажлисида маъруза қилган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, унинг асосий омили бўлган иқтисодий ислоҳотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг боришини атрофлича таҳлил қилиб берди.

Таҳририятимизга келаётган хат-хабарлар вилоятимиз аҳли ушбу маърузани зўр қизиқиш билан ўрганаётганидан далолат беради.

— Президентимиз ўз маърузасида келажакда иқтисодиётимизнинг асосини ташкил этувчи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалаларига яна бир бор алоҳида тўхталиб, уни юксалтириш бугунги кунда халқимиз учун ҳаёт-мамот масаласи десак янглишмаймиз, деб таъкидлади.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бу масалага иқтисодий ислоҳотларни жорий қилиш бошланган дастлабки кунлардан катта эътибор бериб келинмоқда, — деб ёзади Тошкент туманидаги «Астро Фарм Ко» маъсулияти чекланган ҳиссадорлик жамияти раҳбари Раҳимхўжа Юнусхўжаев. — Шу туфайли кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун барча қулай шароитлар, ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Унга оид қонунлар, фармонлар муттасил такомиллаштирилмоқда, ҳаёт талабларига мослаштирилмоқда, энг асосийси тадбиркорлик тузилмалари самарали фаолият олиб боришлари учун қўшимча имкониятлар, катта-катта имтиёзлар яратиб берилмоқда. Тадбиркорларни рағбатлантирувчи, унинг фаолиятини кафолатловчи кучли тизим яратилди. Солиқ тўлов тизими сезиларли енгиллашди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳисоб юритиш ва ҳисоб бериш тартиби қисқартирилди, уларга кредитлар бериш яхшиланди. Тадбиркорлик тизимлари учун бошқа қатор енгилликлар ҳам яратилди.

Бунинг самарасини ўз жамоамиз фаолияти мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз, дея давом этади ўз хатида жамият раҳбари. — 1998 йилда барпо этилиб, шу йилнинг 1 августидан ўз фаолиятини бошлаган корхонамиз кичик ва ўрта бизнес тузилмаларига яратиб берилган имкониятлар ва имтиёзлардан фойдаланиб, ой сайин ривожланиб борди. Маҳсулот турлари кўпайиб, ҳажми ортди. Дастлабки йилда 10 миллион сўмлик дори-дармонлар ишлаб чиқарган жамоамиз жорий йилнинг биринчи чорагидаёқ бундан беш баробар кўп маҳсулот тайёрлади. Маҳсулот турлари эса 15 хилга етди. Жамоамиз эришган бундай натижалар билан чекланиб қолмоқчи эмас, олға томон ривожланишни давом эттирамиз, янги меҳнат марраларини эгаллашга, республикамиз халқи саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи дори-дармонлар ҳажмини ва турини кўпайтиришга ҳаракат қиламиз.

— «Деҳқон бой бўлган юрт доим бадавлат ва обод бўлур» деган ҳикматли фикр билдирилди юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, — дейди оҳангаронлик деҳқон Авазхон Азимов, — Қишлоқда иқтисодий ва аграр муносабатларни ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берилганидан асосий мақсад ҳам шунга қаратилгандир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида қишлоқ ҳаётини юксалтиришнинг якка ва ягона йўли бошланган ислоҳотларни охиригача, пировард натижагача етказишдир. Оҳангарон туманида ҳам хўжаликни юритишнинг янги шакллари бўлган ширкатлар, фермер-деҳқон хўжаликлари сони кўпаймоқда. Улар қишлоқда чинакам мулкдорларни ерга, мулкка, етиштирилган маҳсулотларга нисбатан ҳақиқий эгалик туйғуси шаклланишига ёрдам бермоқда.

Мен илгари бригадир бўлиб ишлаган эдим. Мана 8 йилдирки фермерлик билан шуғулланмоқдаман. Фермер хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси ерга ҳақиқий соҳиб сифатида муносабатда бўлмоқда. Шу туфайли ҳам ундан фойдаланиш йил сайин яхшиланиб бормоқда. Орадан қисқа вақт ўтиши билан юксалиш йўлига тушиб олдик. Каттагина майдонда боғ ташкил қилдик. Ғалла етиштирадиган экин майдонлари 80 гектаргача етди. Унинг ҳар бир гектаридан ўртача 40 центнердан ошириб ғалла олинмоқда. Жамоа хўжалиги пайтида бундай кўрсаткичга эришилганини эслай олмайман. Бундан ташқари, сабзавот ҳосилдорлиги ҳам ортиб, гектарига 150-160 центнерга етмоқда. Ҳар йили ўртача 5 миллион сўм даромад қилмоқдамиз. Илгари қайси деҳқоннинг қўли шунча маблағ ушлаган эди!? Ҳеч вақт. Бу маблағлар фермер хўжалигини ривожлантириш қатори унинг аъзоларига иш ҳақи, қўшимча мукофот сифатида тўланмоқда. Турли хайрия ишларига сарфланяпти.

Демоқчиманки, фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалигининг келажагидир. Улар қанча кўп бўлса, қанча самарали ишласа, уларга қулай шароитлар қанчалик кўп яратиб берилса шунча яхши. Юртбошимиз ўз маърузасида буни яна бир бор таъкидлаб ўтди, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилаётган ғовларни бирма-бир санаб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатди, мутасадди раҳбар ташкилотларини бу ишга масъулиятни ҳис қилиб муносабатда бўлишга даъват этди. Бу биз учун айни муддаодир.

### Акс-садо

Ушбу мақолада таҳририятга келаётган иккита хат-хабарни мисолга келтирдик. Уларни вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларидан ҳам олаяпмиз. Бу хат-хабарларга ҳос муштарак бир фикр бор, у ҳам бўлса Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимизнинг чуқур мазмунли маърузаси, унда баён этилган барча мулоҳазалар, ўртага ташланган таклифлар, танқидий фикрларни якдиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги, ҳамма меҳнат жамоаларида катта қизиқиш уйғотганлигидир. Ҳа, 2000 йилнинг биринчи ярми якунлари иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг изчил ва барқарор ўсиши, халқимизнинг турмуш даражасини ошириш учун жуда катта имкониятлар мавжудлигидан далолат бериб турибди.

***Мирсобир МИРҲАМИДОВ, "Тошкент ҳақиқати"нинг иқтисодий шарҳловчиси.***

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

ҲАММА ерда бўлгани каби вилоятимизнинг Пскент туманида ҳам Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик бошлаб юборилди. Жумладан, ободонлаштириш ойлиги деб эълон қилинган августнинг 12-кунида тумандаги жамики ташкилот, корхона ва жамоа хўжаликларининг ҳар бир аъзоси умумхалқ ҳашарига чиқади.

Мазкур тадбирдан тушган маблағ ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилаларга моддий ёрдам берилади ҳамда туманда байрамни юқори савияда ўтказиш ишларига сарфланади.

***Моҳира АРСЛОНОВА.***

*Абитуриент-2000*

# ОМАД ЁР БЎЛСИН!

***Республикамиз иқтисодиётини юксалтиришда қишлоқ хўжалиги тизимини ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш лозим. Бу борада Тошкент Давлат Аграр Университетининг салмоғи катта.***

Барча олий таълим муассасаларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш истагида бўлган ёшлар ҳужжатларини қабул қилиш давом этаётган айни кунларда мазкур университетда ҳам бу жараён қизғин паллага кирган. Навбатдаги қабулнинг ўтган йилдагилардан фарқи нимада? Бу борада қандай янгиликлар бор? Ушбу саволларга жавобан университет қабул комиссиясининг масъул котиби, профессор Ботир ЗИЁЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Университетимизда абитуриентларга бу йил ҳар йилгидан кўпроқ қулайликлар яратилди. Қорақалпоғистон, Бухоро, Термиз давлат университетлари ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ҳам ўз қабул комиссияларимиз ташкил этилди. Бундай шароитда, ўз-ўзидан маълумки, абитуриент сарсон бўлмайди, ҳам вақт, ҳам маблағ тежалади.

2000-2001 ўқув йилида бакалаврликка жами 1129, шу жумладан кундузги бўлимга 1044, сиртқи бўлимга эса 85 талаба тўлов контракти асосида қабул қилинади. Шунингдек, 17 мутахассислик бўйича магистратурага 128 талаба, жумладан 51 нафари грант ва 77 нафари тўлов контракти асосида қабул қилинади.

Магистратурада тармоқлар иқтисодиёти, менежмент (қишлоқ хўжалиги), тупроқшунослик, пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик, ипак қурти биологияси ва агротехнологияси, пахта уруғчилиги ва селекцияси, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳамда бирламчи ишлов бериш ва сақлаш, наслчилик иши, энтомология, ўсимликлар карантини, сабзавотчилик, узумчилик, ўрмон мелиорацияси ва паррандачилик ихтисослари бўйича ўқитилади. Бакалавриатда ўқийдиган талабалар эса, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи қайта ишлаш ва сақлаш технологияси, зоотехнология, ўрмончилик иши, иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича таълим оладилар.

Бизнинг олий ўқув юртимизда касбий педагогик тайёргарлик факультети ҳам очилди. Унда қишлоқ хўжалик коллежлари ва академик лицейлар учун дарс берувчи педагог-бакалаврлар тайёрланади. Талабалар ҳар йилги ўқув жараёнида олган билимларини ўқув юртига тегишли бўлган ўқув-ишлаб чиқариш майдонларида, амалиётда синайдилар, малака оширадилар.

Ҳозиргача қабул комиссиясига топширилган ҳужжатлар сони 4000дан ошди. Тест синовлари 1 августда бўлиб ўтади. Биз уларга омад ёр бўлишини тилаймиз.

***Камолиддин АСҚАРОВ.***

*Ислоҳот одимлари*

# «БЎСТОН» БУНЁД ЭТМОҚДА

***Оққўрғон туманида иншоотларни қуриш ва таъмирлаш ишларининг асосий оғирлиги хусусий тадбиркорлик тузилмалари зиммасига тушмоқда. Ишлар ҳажмининг асосий қисмини улар бажармоқдалар. «Бўстон» хусусий фирмаси шундай тузилмалар орасида алоҳида ўринни эгаллаб турипти. У анча катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Исми жисмига монанд бу фирма ҳар йили катта ҳажмдаги капитал маблағларни ўзлаштиряпти.***

Фирма беш йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу унинг учун ривожланиш даври бўлди. Бажарилаётган қурилиш ва таъмирлаш ишлари ҳажми тўхтовсиз ортиб борди, йўл-йўлакай тажриба ҳам ошди, бинокорлар маҳорати янада сайқал топди. Иш ҳажми кўпайган сари қурувчилар сафи ҳам кенгайиб борди. Ўтган йилнинг охирига келиб ишловчилар сони 40 кишига етди. Қатор янги қурилиш машина-механизмлари сотиб олинди.

Жамоа ўртасида ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг мустаҳкам бўлиши, қурилиш технологиясига қатъий амал қилиш, ҳар бир бинокорнинг ўз вазифасига масъулияти, айни вақтда меҳнат натижасидан моддий манфаатдорлигининг ортиши ютуқлар салмоғининг ошишига олиб келди.

Омилкорлик билан кўрилган бошқа чора-тадбирлар туфайли ўтган хўжалик йили меҳнатда муваффақиятли якунланди. Кичик жамоа йил давомида 56 миллион 496 минг сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириб, белгиланган маррадан анча ўзиб кетди. Шу даврда қурилиш ашёларини харид қилишга сарфланган харажат 35 миллион сўмликдан сал ошиқроқни ташкил этди. Олинган даромад эса 21 миллион 189,4 минг сўмга етказилди. Барча мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган соф даромад эса деярли 11 миллион сўмдан иборат бўлди.

Фирмада ишлаб чиқариш негизини барпо этиш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият билан муносабатда бўлинаётганлигини таъкидлаш лозим. Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва воситачилик йўли билан савдо-сотиқ қилиш ҳам жамоа даромадининг ортишига олиб келмоқда. Шу йўл билан 26,5 миллион сўмликдан ортиқ товар айланиши амалга оширилди. Бундан беш миллион сўм даромад кўрилди. Солиқлар тўлангач ва бошқа ажратмалардан сўнг қолган соф даромад ҳажми 3,5 миллион сўмга яқин бўлди.

Жамоа ишлаб топаётган пул маблағларини расамади билан сарфлашга ҳаракат қилмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитларида пул оқилона сарфланиши, яъни у пул топиши керак. Фирма раҳбарлиги фойданинг асосий қисмини ташкилотнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга, айниқса, кичик бинокорлик машина-механизмларини харид қилишга сарфламоқда. Албатта, ундан жамоани ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишда, иш ҳақини ошириб бориш ва вақтида тўлашда ҳам фойдаланиляпти. Ҳайрия ва саховат ишларига ҳам ажратилмоқда. Ўтган йил давомида 120 минг сўм маблағ меҳр-мурувват тадбирларини уюштиришга холисона берилди.

Фирма бинокорлари туманда қатор йирик иншоотларни барпо этишга ва таъмирлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Улар орасида коллеж, туман марказий шифохонаси ва бир неча ижтимоий бинолар бор. Жамоа бу бунёдкорлик ишларида зиммасига олган вазифаларни доим сидқидилдан бажармоқда. Ишининг сифати ҳам талаб даражасида бўлмоқда.

Туман «Ташаббус-2000» кўрик-танлови ғолиби бўлган фирма жамоаси жорий йилда янада юксак марраларни эгаллашга астойдил бел боғлаган. Бинокорлар камида 60 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун курашмоқдалар. Улар биринчи ярим йилликни кўнгилдагидек якунладилар. Йиллик режанинг ярмидан кўпроғи адо этилди. Жамоа хайрия ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. «Соғлом авлод» йилида бу йўлда 200 минг сўм сарфлашга аҳд қилган. Бу маблағ муҳтож оилалар, фахрийлар, етим-есирларга моддий ёрдам кўрсатиш каби саховат тадбирларига ажратилмоқда.

Ҳа, «Бўстон» туман маркази ва қишлоқларини ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

***Собир МУҲАМЕДОВ.***

# ЙИЛЛИК ТОПШИРИҚДАГИДАН ҲАМ КЎП

Вилоятиммизда кўчмас мулк бозорини ривожлантиришга эътибор тобора кучаймоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим омили бўлган бу тизим ёрдами билан катта ҳажмдаги олди-олди-сотди ишлари амалга оширилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги вақтларда бу бозор орқали нодавлат корхоналари мулкларини сотиш ҳам кенгайиб боряпти. Уларнинг турли-туман иншоотлари, асбоб-ускуналари, машина-механизмлари ва бошқа мулклари шу йўл билан янги эгаларини топмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида 85та иншоот кўчмас мулк бозорида сотилди Иккинчи чоракда бу кўрсаткич кескин ортди. Шу даврда олдинги чоракдагига қараганда беш баравар ортиқ — 430та иншоот сотилди. Ярим йилда сотилган кўчмас мулк ҳажмини нақд пулга чаққанда, у 670 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳатто йиллик режадагидан ҳам кўп.

***Собир ҲАМИДОВ.***

# ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА БЎЛИБ ЎТДИ



Бу семинар-кенгаш йўл қурилишида ишлаётган қурувчиларнинг дам олиши ва меҳнат шароитларини ташкил этиш масаласига бағишланди. Унда Тошкент вилояти автотранспорт ва йўл хўжаликлари ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда Фарғона водийсидаги вилоятларнинг ана шундай қўмиталари раҳбарлари ва вакиллари қатнашдилар.

Улар йўл қурилишида меҳнат қилаётган ходимларнинг дам олиши ва меҳнат шароитларини яхшилашни ташкил этиш бўйича тўплаган тажрибаларини ўзаро ўртоқлашдилар ҳамда бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар устида тўхталдилар.

Анжуман иштирокчилари Қамчиқ довонида халқаро йўл қурилиши билан шуғулланаётган ишчиларнинг меҳнат шароитлари, бу ерда хизмат кўрсатаётган тиббиёт пункти, умумий овқатланиш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларининг фаолиятлари билан танишдилар.

***Алишер МАДАЛИМОВ.***

***Суратларда: Қамчиқ довонида халқаро йўл қурилишидан лавҳалар.***

***Владимир ГРАНКИН олган суратлар.***



*«Ғалла-2000»*

# ТАЖРИБАНИНГ ХОСИЯТИ

***БИЗ илғор тажриба, ундан фойдаланиш ҳақида гапирамизу, кўп ҳолларда қадрига етмаймиз, амал қилмаймиз. Лекин Тошкент туманидаги «Тошкент» ширкат хўжалиги мутасаддилари бу имкониятдан оқилона фойдаландилар.***

ГАП ШУНДАКИ, ҳокимликнинг қарори ва тавсияси билан хўжалик аста-секин ғалла уруғлиги билан шуғулланишга ўта бошлади. Ўтган йили 100 тоннага яқин уруғлик етиштирдилар ва ўз эҳтиёжлари учун фойдаландилар.

Бу йил эса 250 тонна сара уруғ етиштириб, давлатга топширишга эришдилар.

Йил бошида энг тажрибали пудратчи деҳқонлардан 20 нафари танланиб, уларнинг ҳар бирига ўртача ҳисобда беш гектардан ер ажратилди. Уруғликнинг баҳоси келишиб олинди. Энг муҳими, «сизлар етиштирадиган уруғлик ниҳоятда сифатли, биронта бегона ўт уруғи аралашмаган бўлиши керак» деб қатъий шартлашдилар. Маъмурият ҳамма шарт-шароитларни яратиб берди. Пудратчилар экишни қачон бошлашни ўзлари ҳал қилдилар ва об-ҳавонинг келишига қараб, 25 сентябрдан ишга киришдилар, 10 октябрда экишни тугалладилар. Ер яхшилаб шудгорланиб, ўғитга тўйдирилган эди. Азотли ва минерал ўғитларнинг йиллик нормаси ҳисобидан қолган қисми биринчи, иккинчи, учинчи парвариш ва суғориш жараёнида берилди.

Уруғлик учун экилган буғдойни сувдан озгина бўлса-да, толиқтириб бўлмайди. Сув етарли бўлсада ҳар эҳтимолга қарши деб насос тайёрлаб қўйилди. Яхши қилган эканлар, оқава сувлардан ҳам фойдаланилди. Шундай қилиб, уруғлик учун ажратилган барча майдонларда ғалланинг ривожи яхши бўлди, ҳар бир тупда ўртача 10-11тадан бошоқ етилди. Махсус комиссия ўримни бошлашдан олдин бу далаларни синчковлик билан текширувдан ўтказди. Бегона нав йўқ. Демак, далаларда етиштирилган ғалла уруғликка тўла ярайди. Шу хулоса билан ғалла майдонлари қабул қилиб олинди. Кўнгиллари кўтарилиб, хотиржам бўлган деҳқонлар руҳландилар, маъмурият ўримни тез ва соз ўтказиш учун керакли техникаларни етказиб берди. Ғалла пешма-пеш омборларга етказилди. Бу ерда уруғликни тозалайдиган махсус машина «йўқдан бор» қилиниб, таъмирланиб, тайёр қилиб қўйилган эди. Ишга тушиб кетди. Сара уруғ қопларга жойланиб, тайёрлов тармоқларига жўнатиб турилди.

— Ҳозиргача минг тоннага яқин ғалла топшириб, давлат режасини ошириб бажардик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Муҳаммаджон Усмонов. — Шу ҳисобдан 250 тонна уруғлик ҳам етказиб берилди.

Иқтисодчилар тахминий ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар. Бу йил хўжалик ғаллачиликдан салкам 10 миллион сўм соф даромад қилишни мўлжалламоқда. Унинг ярмидан кўпини уруғлик ғалладан келадиган маблағ ташкил этади.

Ана, сизга тажрибанинг хосияти, имкониятдан омилкорлик билан фойдаланишнинг самараси.

— Келгуси йилда уруғлик миқдорини 350 тоннага етказамиз, — дейди раис. — Шу тарзда бора-бора фақат уруғлик ғалла етиштиришга ихтисослашиш мумкин бўлиб қолади.

***Носир РИҲСИЕВ.***

# УЧ БАРАВАР ОРТИҚ

Вилоятимиз туман ва шаҳарларида бўш ётган биноларнинг «умри» бекорга ўтмаслиги учун, уларни ижарага — доимий ёки вақтинча фойдаланишга бериш яхши самара бермоқда. Хусусан, Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Тошкент ва қатор бошқа туманларда фойдаланилмаётган иншоотларни тадбиркорларга ижарага бериш мўмай даромад келтириб, унинг муайян қисми маҳаллий бюджетга тушмоқда. Вилоят бўйича ижарага беришдан тушган маблағ ҳажми жорий йилнинг биринчи ярмида мўлжалдаги 4 миллион сўм ўрнига 13 ярим миллион сўмни ташкил этди.

***Ўз мухбиримиз.***

## ЧУҚУРСОЙ АВТОКОРХОНАСИГА БЕРИЛГАН ҚУЙИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯ ВАРАҚАЛАРИ (ЖАМИ 82ТА)

## БЕКОР ҚИЛИНАДИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АТ | 0054664 | АТ | 0162635 | АТ | 0162674 | АТ | 0162717 |
| АТ | 0054665 | АТ | 0162636 | АТ | 0162679 | | 0162718 |
| | 0054666 | | 0162638 | | 0162680 | | 0162719 |
| | 0054671 | | 0162640 | | 0162681 | | 0162722 |
| | 0054674 | | 0162643 | | 0162682 | | 0162723 |
| | 0054676 | | 0162645 | | 0162684 | | 0162724 |
| | 0054677 | | 0162647 | | 0162693 | | 0162726 |
| | 0054678 | | 0162649 | | 0162696 | | 0162734 |
| | 0054679 | | 0162652 | | 0162698 | | 0162735 |
| | 0054686 | | 0162654 | | 0162699 | | 0162737 |
| | 0054688 | | 0162655 | | 0162701 | | 0162742 |
| | 0054691 | | 0162657 | | 0162702 | | 0162751 |
| | 0150892 | | 0162660 | | 0162704 | | 0162756 |
| | 0162623 | | 0162662 | | 0162705 | | 0162763 |
| | 0162624 | | 0162663 | | 0162706 | | 0162765 |
| | 0162625 | | 0162664 | | 0162709 | | 0162773 |
| | 0162627 | | 0162665 | | 0162711 | | 0162778 |
| | 0162628 | | 0162668 | | 0162712 | | 0162779 |
| | 0162630 | | 0162669 | | 0162714 | | 0162784 |
| | 0162631 | | 0162671 | | 0162716 | | 0162785 |
| | | | | | | | 0162792 |
| | | | | | | | 0162798 |

# РЕЖАЛИ ИШ САМАРАСИ

***ОЛДИНДАН пухта ўйлаб тузилган режа асосида олиб бориладиган ҳар қандай ишнинг самараси салмоқли бўлади. Буни Оҳангарон туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги ғаллакорлари меҳнати мисолида ҳам кўриш мумкин. Хўжаликда бу йил минг гектардан ортиқ суғориладиган майдон ва 150 гектар лалмикор ерда ғалла етиштирилди.***

Аввало ҳар бир пудратчининг имконияти, майлига қараб, уларга ерлар бўлиб берилди. Шартнома тузилди. Шартномада деҳқоннинг манфаати устувор қилиб белгиланди. Ана шундан сўнг иш қизиб кетди. Пудратчилар ўзларига бириктилган майдонларни тайёрлаш, уруғни ўз вақтида сепиш, униб чиққан майсаларга ишлов беришни барвақт бошлашга ва бу тадбирни ўтказишда агротехника қонун-қоидаларига тўла риоя қилишга алоҳида эътибор бердилар. Оқибатда парвариш жараёни барча майдонларда анча сифатли ўтказилди ва ғалладан юқори ҳосил тўпланди.

Комбайнлар олдиндан тайёрлаб қўйилган ва синов жараёнида уларнинг қанчалик яроқли эканлигига ишонч ҳосил қилинган эди. Шунинг учун дастлабки кунданоқ комбайнчилар юқори суръат билан ишладилар. Ғалла хирмонлари кун сайин юксалиб борди. Айниқса, Муҳаммад Хўжаёров, Эркин Одилов, Холбой Сафаров сингари ижарачиларнинг далаларида мўл ҳосил йиғиб олинди. Ҳар бири 20-30 гектар майдонда ғалла етиштирган бу деҳқонлар ҳосилдорликни кам деганда 40-45 центнерга етказдилар. Бугина эмас, бошқа пудратчиларнинг далаларида ҳам иш самараси яхши бўлди.

Бу тезкорлик, яхши натижаларга эришилаётганлигининг боиси яна шундаки, илғорларни рағбатлантириш учун аниқ тадбирлар кўрилди. Ўрим ниҳоясига етгач, якун чиқарилди. Биринчи ўринни олган илғорга бир бош қўй, иккинчи ўринни олганга палос, учинчи ўрин учун 5 минг сўм пул мукофоти берилди. Бу мукофотни «мен оламан» деганлар кўп эди. Албатта, илғорларнинг илғорига танлаб берилди бу мукофотлар!

Далада бўлиб, марказий омбор яқинига бориб, ишни кўрсангиз ҳақиқатан ҳам ғаллакорларнинг ғайрати ва шижоатига қойил қоласиз. Машиналарда пешма-пеш ғалла ташиб келтирилмоқда ва саранжомланмоқда.

Хўжалик ғаллакорлари ўримни ниҳоясига етказиш ва режани анча ортиғи билан бажариш учун ана шундай кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар.

***Теша ШЕРАЛИЕВ.***

Пахтазор лавҳалари

# ЖОНЛАНГАН ДАЛАЛАР

***Турсуной Охунова номи билан аталувчи бу ширкат хўжалиги 2-3 йил илгари қолоқ ҳисобланарди. Исмоил Зоҳидов раис қилиб сайлангач, тажрибакорлар, меҳнат фахрийлари билан маслаҳатлашиб, ишни ташкил қилишни янгича йўлга қўйди.***

Эсимизда, у иш бошлаган дастлабки кезларда бўлганимизда раисни бироз асабий ҳолатда кўрган эдик.

— Хўжаликнинг ҳисоб рақамида ҳемири ҳам йўқ экан. Қарз эса бир дунё. Деҳқон далада меҳнат қилганидан сўнг бундоқ мириқиб дам олиши ҳам керак-да. Шийпонларни аҳволига эса маймунлар йиғлайди. Нима қилиш керак? — деди у.

Бу саволнинг ечимини ҳам деҳқонларнинг ўзлари топишди. «Кўп қайғурманг раис. Ўзимиз ҳашар қиламиз, эплаймиз, эплаймиз». Шундай қилишди ҳам.

— Раҳмат сизларга, — деди раис уларга. — Хабарларингиз бор, эндиликда ишни оилавий пудрат асосида ташкил этяпмиз. Даланинг эгаси, хўжайини ўзларингиз. Қанча самарали меҳнат қилиб, кўп даромад келтирсаларингиз, ўзларингизга фойда!

Деҳқонлар пудратнинг моҳиятини тушунган ҳолда ишга киришдилар. Шартнома шартларини бекаму-кўст бажариш ҳаракатини қилдилар. Маъмурият ҳам ўз навбатда пудратчилар, далада ишлаётганларга барча шарт-шароитларни яратиб берди. Энг муҳими деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш, уларни ташвишлантириб келаётган муаммоларни ҳал этиш учун катта ташкилотчилик ишлари олиб борилди. Шундан кейин ишлар юришиб кетди. Биринчи йилнинг ўзидаёқ ҳар гектаридан 28 центнердан хирмон кўтарилди. Хўжалик илғорлик сари юз тутди.

Бугун деҳқонларнинг ҳам, маъмуриятнинг ҳам эришилажак натижалар салмоқли, залворли бўлишига ишончлари комил. Далада бўлсангиз, пахтазорларни айлансангиз, одамлар зўр кайфият билан меҳнат қилаётганликлари гувоҳи бўласиз. Жўра Тўлаганов, Перне Абдураимов, Мирзааҳмад Отамирзаевлар бошлиқ бригадаларнинг пудратчилари далаларида ғўза, айниқса, серҳосил бўлиб ривожланмоқда. Бунинг боиси бор. Деҳқонлар ҳар бир агротехника тадбирини маромида амалга оширмоқдалар. Ҳозиргача ғўза тўрт марта сувга қондирилди, 5 марта культивациядан чиқарилди. Ҳар гектарига 120-130 килограммдан фосфорли, 450 килограммдан азотли ўғит берилди. Учинчи сув шарбат қилиб оқизилди.

Ҳар бир ширкат аъзосининг ўз шахсий ҳисоб рақами очилган. Улар иқтисод билан, тадбиркорлик асосида иш юритиб, кўпроқ даромад олишни ўйлаб меҳнат қилмоқдалар.

Биз Тамара ва Қўлдош Турсуновлар оилавий даласида бўлдик. 5 гектарлик пайкалдаги бақувват ғўзалар бир текис ривожланган, кўсаклар шодаси кўзни қамаштиради.

— Пахтазорда турмуш ўртоғим, ўғлим Рустамжон, келиним Нуржамол, қизим Элмира билан биргаликда ишлаймиз. Ишни уйқусида босиш керак деган нақлга, айниқса, саратон кезларида қатъий амал қилдик. Эрта тонг туриб, то кун чиқиб ёйилиб кетгунча анча-мунча юмушни қилиб оламиз, эгат оралаймиз, у ерда бу ерда ўт учраса юламиз, кетмон чопиқ қилиб қатор ораларини юмшатамиз. Ғўзани қанча ардоқласак шунча яхшида. Ҳосили тўкис бўлади.

Бундан ташқари ҳар йили бу оила икки қутидан ипак қурти ҳам боқиб, кўплаб миқдорда кумуш тола ҳам берди.

... Эрта-индин кўсаклар тиш ёради, чаноқлардаги лўппи пахталар кўзга ташланади. Ана шунда деҳқоннинг қувончи ортади, чеккан меҳнатлари, жафолари меваси уни руҳлантиради, чарчоқларини ёзади. Энди буёғига яна ҳам хушёр тортади, сергак бўлади. Ҳосилни вақтида йиғиштириб олиб, кўпроқ сифатли пахта топшириш чора-тадбирини кўради. Ширкат хўжалиги ҳар бир аъзосининг дилида ана шундай орзулар қанот ёзиб, барг чиқаряпти ҳозир. Улар албатта ўз орзу-ниятларига етадилар.

***Орзиқул МАЪМУРОВ, Абдужалил РАҲИМОВ.***



*СУРАТДА: пудратчи Тамара Турсунова ва бошқарув раиси Исмоил Зоҳидовлар пахтазорда.*

# «МАБОДО, ҚАЙТА ТУҒИЛСАМ БАРИБИР ЎҚИТУВЧИ БЎЛАРДИМ»



***Муаллимлик касби эл орасида дур янглиғ тобланувчи ягона касбдир. Чунки, бу касбни эгаллаган инсон ҳар қандай улуғ даҳони ҳам, буюк сиймоларни ҳам, давлат ва жамиятни идора қилувчи иқтидорли кишиларнинг ҳам қўлига қалам тутқазган илк мураббийдир. Бас, шундай экан, мен таъриф ва тавсиф қилишни кўзлаётган илмли инсон Шарифхўжа Орифхўжаев хусусида икки оғиз ширин сўз айтишни жоиз деб топдим. Чунки, у ўқитувчи мураббийдир...***

Шарифхўжа Орифхўжаев билан танишганимга роппа роса 45 йил тўлибди. Қаранг, бир навқирон йигитнинг кучга тўлган умри бу.

У ўз фаолияти давомида 48 йил муаллимлик қилди. Бир қанча туманларда Халқ таълими ишига бевосита раҳбар бўлди. Раҳбарлик қилган мактаб ва халқ маорифи бўлимларида таълим ишларини замонага мос ҳолда янгиликлар билан талаблар даражасига кўтарди.

Шарифхўжа Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлагач, тақсимот комиссиясининг йўлланмаси билан Марғилон шаҳрига ишга юборилди. Бу ерда у 12-ўрта мактабда юқори синфларга она тили ва адабиётдан дарс берди.

– Бу ерда, – деб ҳикоя қилади Шарифхўжа ака. – Мен ўқитувчиликнинг ҳамма қирраларини, дарс бериш усулларини, ўқитувчилик касбининг асосий сирлари нималардан иборат эканлигини иш жараёнида изчил ўрганишга ҳаракат қилдим. Бу нарса менга ўқитувчилик касбига меҳр қўйишимга туртки бўлди.

Марғилондаги мактабда икки йил ишлаб, обрў орттириб қайтган ёш муаллим энди ўз иш фаолиятини Тошкент вилояти мактабларида давом эттирди.

Иқтидорли муаллим, халқ таълимининг жонкуяр раҳбарларидан бири Шарифхўжа Орифхўжаев ўзининг бой, ҳамма ҳавас қилса арзигулик иш фаолияти давомида собиқ Қорасув туманидаги 19-, 45-, 27-мактабларда директорлик ҳамда юқори синфларда она тили ва адабиётидан ўқитувчилик қилиб ўз шогирдларига билим берди. У ҳозирги Қибрай тумани халқ таълими бўлимига узоқ йиллар раҳбарлик қилди. Айниқса, ташкилотчи ва жонкуяр педагогнинг иш фаолиятида Зангиота туманидаги 45- ва 25-ўрта мактаблар алоҳида ўрин тутади.

Шарифхўжа ўзининг педа-

Шундайлар бор бўлсин

гогик ва ижтимоий фаолияти давомида қаерда ишламасин, фақат болалар саводхонлиги муаммоларига асосий диққатини қаратди. Ахир 35 йил мактаб директори, халқ таълими бўлими мудири вазифаларида ишлаш, 48 йил таълим соҳасида сабр ва матонат билан меҳнат қилиш ўз-ўзидан бўладиган иш эмас-да.

Сира ёдимдан чиқмайди. 1967 йилнинг май ойлари эди. Мактабларда давлат имтиҳонларига тайёргарлик ишлари қизғин паллада. Ҳамкасблар қувончли хабар эшитиб қолдик. Ш. Орифхўжаевнинг таълимдаги ишлари муносиб баҳоланиб, унга «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» унвони берилибди.

Биз Шарифхўжанинг мазмунли педагогик фаолиятига берилган ушбу мукофот билан қизғин табрикладик. Орадан 20 йил ўтгач, унинг камтарин меҳнатлари яна бир олий мукофот – хизмат кўрсатган маориф ходими унвонига муносиб топилди. Уни яна бир бор чин дилдан қутладик. Гап бу унвон-у мукофотларда эмас. Бу унинг меҳнатларига берилган эл эътирофи эди.

Қолаверса, маорифчиларнинг барчаси ҳам халқ ўқитувчиси, хизмат кўрсатган ўқитувчи бўлавермас экан. Ана шундай ардоқли унвонга сазовор бўлган ўқитувчилар орасида маорифнинг ҳақиқий жонкуярларидан. Ш. Орифхўжаевнинг борлигидан биз ҳамиша фахрланамиз.

Дўстим Шарифхўжа меҳнат таътилида юрган бўлсада, ҳозир ҳам ўзи раҳбарлик қилган 25-ўрта мактабда баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб ёш ўқитувчиларга, шогирдларига мураббийлик маслаҳатларини дариғ тутмай келмоқда.

– Мен фарзандларимни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаган ва сўнг бошқаларнинг фарзандларига илм берган инсонман, – дейди Шарифхўжа ака биз билан суҳбатда.

– Замонамдан, истиқлолдан ҳамиша миннатдорман.

Ҳа, Шарифхўжа ҳақ. У маориф тараққиётига ўзининг салмоқли улушини қўшибгина қўймади, аксинча ўз фарзандларини ҳам олий маълумотли ворислар қилиб тарбиялай олган мураббийдир. Унинг бош фарзанди Раънохон олий маълумотли ўқитувчи, отасининг касбини давом эттирмоқда. Гавҳар, Азизжон, Гулнора, Аваз, Гулнозалар эл хизматига камарбасталар. Бу ютуқ ва ғалабаларнинг бошида эса оиланинг онахони, маҳкам устуни Каримахонимнинг беминнат меҳнати турибди. Ушбу шодиёна кунда Шарифхўжа акага шундай савол ташлайман: «Мабодо қайта туғилсангиз, ким бўлардингиз?».

Шарифхўжа ака босиқлик билан шундай жавоб қилади: «Қайта туғилсам, барибир ўқитувчи бўлардим!».

***Ҳайдарали УЗОҚОВ, тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочиси.***

# МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ

***Туманимизда маънавият соҳасида юз бераётган катта ўзгаришларни кузатар эканмиз, беихтиёр ўтган йили туман ҳокимлигида бўлиб ўтган бир йиғилишни эсладик. Ўшанда туман «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-маънавий кўмак бериш зарурлиги алоҳида таъкидланган, ҳар бир хўжалик, ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларига қатъий топшириқлар берилганди.***

Орадан ярим йилча вақт ўтди. Бу давр мобайнида айтиш мумкинки, туманимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар юз берди. Туман шаҳар ва қишлоқлари, маҳалла ва кўчаларининг қиёфаси кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Қисқа вақт ичида кўплаб панно, шиорлар яратилдики, уларда фарзандларимизда Ватанга садоқат, она заминга меҳр-муҳаббат, аждодларимиз меросига ҳурмат, мамлакатимизнинг буюк келажагига ишонч, меҳнатсеварлик туйғусини шакллантиришдек муҳим вазифалар ўз ифодасини топди.

Туман «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раҳбари Тўхтамурод Тоғабоев, рассом Бердибой Ўразбоевлар юзлаб панноларни яратишга муваффақ бўлишди.

– Уюшмамиз бир йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Т. Тоғабоев. – Дастлабки ойлар анча қийналдик, ишларимиз юришмади. Ҳокимимиз, халқимизнинг ёрдамлари туфайли ишлар жонланиб кетди. Зарур хомашёларни топиб келтириб беришаяпти. Ҳисоб рақамимизга пул ҳам тушаяпти.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдик. Туман ҳудудидаги йўл четларига ўрнатилган паннолар вилоятимиз, хатто республикамизнинг кўпгина туманларида йўқ. Мовий, яшил рангларда чиройли қилиб ёзилган ёзувлар барчанинг диққатини тортади. Ахир «Адолат, Ватан ва халқ манфаати – ҳар нарсадан улуғ», «Энг олий мақсадимиз – халқимизнинг омонлиги» каби мақсадларга чорловчи сўзлар кимни бефарқ қолдириши мумкин! Бу ёзувлар халқимиз онги, шуурини янгилашга, руҳини кўтаришга, самарали меҳнат, улкан ютуқларни қўлга киритишига ундамоқда. Туманимизда бу борада ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Айниқса, шаҳар марказида суратли ойиналар яратилиши лозим. Айни кунларда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ана шу ҳаракатни бошлаб юборган.

***Саиджон МУСТАФОЕВ, Дониёр КАМОЛ. Қуйичирчиқ тумани.***

# «НУРОНИЙ» ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий ҳимояга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, кекса авлодни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Янгийўл ҳокимлиги ташаббуси билан «Нуроний» номли дўконнинг ишга туширилиши ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Ушбу дўкон тумандаги кекса отахон ва онахонларга хизмат кўрсатади.

***Камол АСҚАР.***

# ЮМШОҚ КОНТЕЙНЕР ЯРАТИЛДИ

Ангрендаги «Ўзрезинатехника» корхонаси мутахассисларининг Тошкент трактор заводи ҳиссадорлик жамияти билан ҳамкорлиги дастлабки ижобий натижасини берди. Улар биргаликда махсус юмшоқ контейнер яратдилар. Заводда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бу мослама тиркамалар кузовларига тез жойлаштирилади. У айниқса, дон маҳсулотларини ташишда қўл келади.

Бу контейнер ишчи кучи ва вақтдан ҳам унумли фойдаланиш имконини беради.

***Акбар АЛИЕВ.***

# ҲАЙДОВЧИ – ПИЁДА – ЙЎЛ

**Уларнинг баҳамжиҳатлиги туфайли транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мумкин бўлади**

*Вилоят йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ДАН хизматининг иш самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирлар кўрилаётганлиги ҳаммамизга аён. Давлат автомобиль назорати бошқармаси йўл-патруль хизмати ходимлари ҳаракатланиш қоидабузарликларининг олдини олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.*

Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида аниқроқ маълумот олиш учун вилоят Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Асадулла ҲАМИДУЛЛАЕВГА мурожаат қилдик.

– Тошкент вилояти ДАН ходимлари жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унинг очилишида ички ишлар бошқармаларининг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда «Тозалаш», «Арсенал», «Қорадори-2000», «Тўсиқ», «Антитеррор», «Ғалла-2000» тадбирларида фаол қатнашиб келаётганликларини айтгим келади. Ўтган давр мобайнида ДАН ходимлари иштирокида 8та босқинчилик, 5та қотиллик, 161та шахсий ва учта давлат мулкини ўғирлаш, 8та тан жароҳати етказиш, 2та безорилик, 3та талончилик, 9та ноқонуний равишда қурол сақлаганлик ва бошқа, жами 377та жиноятлар фош этилди. Бу вақт ичида улар 214287та йўлларда ҳаракатланиш қоидабузарликларининг олдини олишди. Шу билан биргаликда гиёҳванд моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги учун 110та фуқаролар ушланиб, улардан 10,4 килограмм миқдоридаги гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

ДАН бурчаги

Республика ҳудудидан четга ғайриқонуний равишда моддий-товар бойликлари олиб чиқиб кетилишининг олдини олишда вилоятимизнинг бошқа республикалари билан чегарадош ҳудудларида жойлашган постларда назорат кучайтирилиб, 28,9 миллион сўмлик моддий бойликлар ушлаб қолинди. Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 фоизга, унда жароҳатланганлар сони 4,7 фоизга камайди. Аммо, ҳалок бўлганлар сони 19,8 фоизга ортганлиги бизни ташвишлантиради.

Вилоятимизнинг айрим ҳудудларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишлари қониқарсиз равишда ташкил этилиши натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилга нисбатан ортишига йўл қўйилди. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари сони Бекобод туманида 21,7 фоизга, Бўка туманида 19 фоизга, Бекобод шаҳрида 23,8 фоизга, Янгийўл шаҳрида 27,8 фоизга, Паркент туманида 16,7 фоизга ошганлиги фикримнинг далилидир.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг ушбу шаҳар ва туманларда ортиб кетишига раҳбар ходимларнинг ўз ишларини таҳлил асосида ташкил этмаганликлари, қўл остидаги ходимларнинг иш фаолиятини назорат қилмаётганлиги, хизмат интизомининг қониқарсизлиги, ҳайдовчилар ва пиёдалар ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари яхши ташкил этилмаётганлигида деб биламан.

Бошқармамиз ходимлари ўртасида қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳар хил салбий ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ДАН бошқармаси раҳбарияти томонидан жойлардаги ДАН йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат вазифаларини ўташлари очиқ ва ҳуфёна равишда 36 маротаба текширувдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўрилди. Жорий йилнинг шу кунига қадар ДАН хизмати ходимларидан 33 нафари интизомий жиҳатдан жазоланди. Шулардан 19та ходимга ҳайфсан эълон қилинди. Беш нафар ходим огоҳлантирилди, олтита ходимнинг эса ички ишлар идораларида хизмат ўташ тўғрисидаги Низомнинг 69-моддасига мувофиқ ички ишлар идоралари хизматида қолиши нолойиқ деб топилди.

Бир неча бор такрор-такрор айтилган бўлса-да, жойлардаги айрим ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 июндаги 239-сонли қарори талаблари шахсий таркиб эътиборига тўлиқ етказилмаганлиги оқибатида ДАН ходимлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ортилган транспорт воситаларини асоссиз равишда тўхтатиш ҳоллари ҳанузгача, оз бўлса-да, учраб турибти. Бир мисол, «Тошкент-Ўш» автомобиль йўлининг 151-километрида йўл-патруль хизмати инспектори И. Абдураимов қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ортилган «КамАЗ-5320» русумли автоуловни тўхтатиб қўйган. Ваҳоланки, бу ходимга хизмат вазифаси бўйича йўл-қурилиши ва таъмирлаш ишларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган эди. Албатта, мазкур ходим ҳам жазоланди.

Шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар хизмат тайёргарлигини ҳамда сиёсий-ижтимий онгини ошириб бориш борасида мунтазам равишда машғулотлар ўтказилмоқда. Шахсий таркибнинг хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва қонунчиликка риоя этиш бўйича ҳам жойларда қатор тадбирлар уюштирилаяпти.

Вилоятимиз давлат автомобиль назорати хизмати ишини яхшилаш, ходимлар ўртасида хизмат интизомини, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳар бир ходимнинг қилаётган ишига масъулиятини ошириш учун қилинаётган ишларни янада такомиллаштиришга интилаяпмиз.

# ҚЎШИҚНИНГ ҚАНОТИ БОР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар Марказий ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги ҳамда «Соғлом авлод» йилига бағишланган «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуидаги қўшиқ ва санъат байрами ўтказилди.

«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Тошкент вилоят бўлими ҳамда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли ўтказилган бу қўшиқ байрамида хушовоз хонандалар Тошпўлат Маткаримов, Анвар Ғаниев, Собиржон Мўминов, Гулбаҳор Сулаймонова, Даврон Эргашев, Муҳаббат Абдураҳмоновалар ижро этган дилрабо қўшиқлар, Обид Асомов, Болтабой Тошматовларнинг ичакузди ҳангомалари янгийўллик қўшиқ шинавандаларини хушнуд этди.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

мамлакатлар • одамлар • воқеалар

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

• «ҲАМАС» ташкилоти асосчиси ва диний раҳнамоси шайх Аҳмад Ёсин Фаластин ерларининг озод қилиниши эвазига Исроилга тинчлик ваъда қилди. Исроилликлар Ғазо сектори, Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги ерлар ва Қуддуснинг шарқий қисмини қайтариб берса, биз муросага тайёрмиз, деди у.

• ЛИВИЯ президенти Муаммар Қаддофий Африканинг биринчи сунъий йўлдошини учириш лойиҳасини амалга оширишни таклиф этди. У Африка Йўлдош алоқалари минтақавий ташкилоти бош ассамблеяси йиғилишида бу борадаги ишларни бошлаш учун Ливия 7 миллион доллар ажратишини маълум қилди. М. Қаддофийнинг айтишича, бутун қитъа давлатлари учун ишлайдиган мазкур йўлдошсиз Африкада алоқа сифатини ошириш мумкин эмас.

• ДИНИЙ экстремистлар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида Жазоирда сўнгги икки кун ичида 11 киши нобуд бўлди. Жангарилар ўз ниятларини амалга ошириш учун пистирма қўйиш усулидан фойдаланмоқда. Жумладан, куни-кеча экстремистлар пистирмадан ҳужум қилиб, уч ҳарбийни ўлдирди, етти нафарини оғир ярадади.

• КИЕВ. «Москва-Одесса» тезюрар поездининг локомотиви ва беш вагони йўлдан чиқиб кетди. Хабарларга қараганда, ҳалокат темирйўлнинг носозлиги туфайли рўй берган. Дастлабки маълумотларга кўра, мазкур фожеа оқибатида 35 киши жароҳатланган.

• ЖАЗИРАМА иссиқ ва қурғоқчилик АҚШнинг Колорадо штатидаги «Иесс Верд» миллий боғида кучли ёнғин келтириб чиқарди. Ёнғинни бартараф қилиш хизмати ходимларининг сўзларига қараганда, айни пайтда боғнинг 6800 гектарлик майдони аланга ичида қолган. Ёнғин натижасида пайдо бўлган тутун устунининг баландлиги 12 минг метрга етган.

• СИДНЕЙ шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларининг очилишига оз фурсат қолгани муносабати билан Австралия маъмурлари экстремистик гуруҳларга алоқадор шахсларни топиб, мамлакатдан чиқариб юбормоқда. Куни кеча беш киши юртдан бадарға қилинди.

**ОДАМ ЎҒРИЛАРИ**

*Коста-Рикада одам ўғирлаш авж олмоқда. Полициячиларнинг айтишича, жорий йилнинг ўзида тўққиз марта шунақа жиноят содир этилган. Ўтган ҳафта ҳам шундай воқеа рўй берди. Жиноятчилар 27 ёшли тадбиркорни гаровга олиб, 2 миллион АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилди. Полиция томонидан ўтказилган қутқарув операцияси эса муваффақиятсиз тугади. Жиноятчилар билан тўқнашув чоғида гаровга олинган тадбиркор ва жиноятчиларнинг бири халок бўлди.*

*Полиция вакили Линнет Ссборио одам ўғирлаш ҳоллари ортиб бораётганига жим қараб туриб бўлмаслигини таъкидлади. Чунки сўнгги олти ой ичидаги кўрсаткичдан фарқли ўлароқ, ўтган 27 йил давомида бундай жиноят бор-йўғи 21 марта содир этилган.*

**ХУФЯ САФАР**

*Хитойнинг Цзилин вилоятида ноқонуний равишда мамлакатдан чиқиб кетаётган 134 киши қўлга олинди. Ўзга давлатларга ноқонуний равишда одам ташиш билан шуғулланувчи иккита жиноий гуруҳ ҳам фош этилди. Улар Далян портидан жўнашга чоғланган кемада ушланди. Кеманинг барча йўловчиси ҳибсга олинди. Маълум бўлишича, ноқонуний муҳожирлар Жанубий Корея ва Японияга бориб жойлашишни кўзлаган.*

**МЕНИНГИТ АВЖ ОЛМОҚДА**

*Гватемалада менингит касали авж олмоқда. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълум қилишича, юқумли касалликдан шу кунгача камида ўн нафар бола нобуд бўлган. Қўшни Гондурас ҳукумати мамлакатда менингит тарқалишининг олдини олиш учун Гватемала билан чегараларда карантин жорий этди.*

*Сўнгги икки ойда Марказий Африка Республикаси (МАР)да ҳам 42 киши менингит касаллигига учраб вафот этди. Мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, қурбонлар сони янада кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки бу юқумли касалликка чалинганларнинг барчасини назорат қилиб бориш имкони бўлмаяпти.*

*Ўтган йилдан буён МАРда бир неча бор менингит тарқаляпти. Жорий йилнинг ўзидагина бу касалликдан икки юзга яқин киши вафот этди.*

# ДУНЁНИНГ турли ГЎШАЛАРИДА

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

